

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 октябрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, жорий йилнинг 27 октябрь куни давлатимиз раҳбарининг шу борадаги Фармони қабул қилинган эди. Йиғилишда мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Фармон иловаларига мувофиқ, 2 мингдан ортиқ давлат активларига тегишли масалалар тасдиқланган. Шундан 479 та корхона ва 15 та кўчмас мулк савдоларга қўйилади, 62 та корхона хусусийлаштиришга тайёрланади, 32 та корхона ва тармоқ трансформация қилинади, 507 та бозор фаолияти такомиллаштирилади. Бундан ташқари, илгариги қарорларда кўрсатилган 386 та ҳамда сотиш ваколоти ҳоқимларга берилган 559 та объект савдоларга чиқарилади.

— **Очиқ айтиш керак: олдин ҳам хусусийлаштириш бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинган. Лекин бирорта рахбар пастга тушиб, бу соҳадаги билим ва методикани жойларга етказмагани сабабли кўп корхона ва объектлар сотилмасдан турибди, на давлатга, на тадбиркорга наф келтиряпти, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда шу борадаги муҳим йўналишлар кўрсатиб ўтилди. Аввало, тадбиркорларга таклиф этиладиган 479 та корхонанинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш, уларни соддалаштирилган тартибда савдога чиқариш кераклиги таъкидланди.

Масалан, Қарши шаҳридаги “Техник таъмир-

лаш-бутлаш” корхонасининг 2 гектар ер майдони ва 6,5 минг квадрат метрлик биноларидан фойдаланилмаяпти. Айни пайтда, бу ерда юзлаб тадбиркор ўз бизнеси учун ер ажратиб тўғрисида мурожаат қилган. Бундай мисолларни ҳар бир вилоятда кўплаб топшиш мумкин.

Шу боис бўш ер ва иншоотларни хатловдан ўтказиб, корхоналар эҳтиёжидан ортигини аукционга чиқариш зарурлиги айтилди. Аввал қабул қилинган қарорлар доирасидаги ҳамда сотиш ваколоти вилоят ҳоқимларига берилган давлат объектларини хусусийлаштириб, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

62 та йирик корхонани олдин инвестициявий жозибadorлигини ошириб, кейин хусусийлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Мисол учун, “Қўқон нефтьгаз пармалаш ишлари” корхонасининг йиллик тушуми 85 миллиард сўм бўлса-да, соф фойдаси катта эмас.

Ёки “Хоразмсувқурилиш” корхонаси сўнгги 2 йилда фойда олмаган. Ваҳоланки, Янгиарик туманида ушбу корхонага тегишли 1 гектардан зиёд ер майдони ва 3 минг квадрат метрдан ортиқ даромад келтирмайдиган бинолари мавжуд.

Мутасаддиларга бу каби корхоналарни хусусийлаштиришдан аввал “диагностика” қилиш, аудитдан ўтказиш ва ҳисоб-китобини тўғрилаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлат лойиҳа институтларини трансформация қилиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда йирик қурилиш корхоналари кўпайиб бормоқда. Уларни давлат лойиҳа институтлари билан кооперация орқали боғлаб, лойиҳалар сифатини ошириш, бошқарувни яхшилаш мўлжалланмоқда.

Биринчи бўлиб, намуна сифатида “Қишлоқ қурилиш лойиҳа”, “Оғир саноат лойиҳа”, “Георангмет ЛИТИ”, “Шаҳарсозлик ЛИТИ”, “Тош уй-жой ЛИТИ”, “Тошкент бошланг ЛИТИ” лойиҳа институтларида ушбу янги тизим жорий этилиши белгиланди. Лойиҳа институтларидаги давлат улуши кейинчалик ҳамкор қурилиш ташкилотларига сотилади.

Йиғилишда бозорлар билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилди. 500 дан зиёд бозор ва савдо маҳмуаларидаги давлат иштирокидан тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда уларнинг 23 таси зарар билан ишляпти, 210 таси эса паст рентабелли.

Бундай шароитда бозорларни ҳам савдо, ҳам дам олиш, ҳам кўнгилочар марказларга айлантириш яхши иқтисодий самара беради. Шу мақсадда лойиҳалар ишлаб чиқилиб, инвесторлар ўртасида танлов эълон қилиниши айтилди. Танлов ғолибига энг яхши шартларда банк кредити ажратилади. Шунингдек, тадбиркор бозор даромадини ошириб, солиқ тушумлари ва иш ўринларини мунтазам кўпайтириб борса, унга бозорнинг давлат улушини бўлиб-бўлиб харид қилиш имконияти берилади.

Вилоят ҳоқимларига бозор ва савдо

мажмуалари фаолиятини шу тарзда йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Фармонида 32 та йирик давлат корхонаси ва ҳўжалик бирлашмаси трансформация қилиниши белгиланган. Хусусан, “Ўзкимёсанoат”, “Ўзавтосаноат”, “Ўздон-маҳсулот”, “Ўзсувтаъминот” ташкилотлари бутун тизими билан трансформация қилинади. Шу мақсадда Молия вазирлигида алоҳида департамент ташкил этилди.

Мутасаддиларга қолган тармоқларни ҳам чуқур таҳлил қилиб, трансформация бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Аҳоли ва тадбиркорларга батафсил маълумот берадиган хусусийлаштириш маслаҳат клиникалари ҳамда қол-марказ ташкил этиш, методик қўлланма тайёрлаб, жойларга етказиш муҳимлиги айтилди. Шунингдек, телевидение орқали ҳам хусусийлаштириш борасида маълумот бериб борилади.

Олий Мажлис палаталарига Президент Фармони моҳиятини кенг тарғиб қилиб, хусусийлаштириш жараёнлари ҳалол ва очиқ-ошқора ўтишида парламент назоратини ўрнатиш тавсия қилинди. Шунингдек, хусусийлаштириш ҳамда давлат мулкани бошқаришга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўқинмалар, тармоқ раҳбарлари ва ҳоқимлар ҳисобот берди.

Ў.А.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева амалий ташриф билан Женева шаҳрида бўлиб турибди.

Ташриф

Парламент юқори палатаси Раисининг Женевага ташрифи доирасида БМТ Бош қотиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) ижро этувчи қотиби О. Алгаерова, шунингдек, Женевадаги БМТ бўлинимаси ва Швейцариядаги бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Эфиопия Доимий вакили, элчи З. К. Корчо ҳамда Жаҳон соғлиғини сақлаш

ташкilotи (ЖССТ) бош директори, доктор Т. Гебрейесус, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкilotи (БИМТ) бош директори Д. Танг, БМТнинг Женевадаги Аргентина, Босния ва Герцеговина, Ливан Доимий ваколтоналари ҳамда Швейцариядаги бошқа ташкilotлар раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этилди.

«Марказий Осиёда интеграция жараёнлари жадаллашувида Ўзбекистоннинг ўрни беқиёс»

ЕИК ижро этувчи қотиби Ольга Алгаерова Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан табриклар экан, бу воқеа Ўзбекистон муваффақиятли ташқи сиёсат олиб бораётганидан ҳамда Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида ўтган тўрт йилда мамлакат катта ютуқларга эришганидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, у сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани, бу минтақада интеграция жараёнлари жадаллашувида Ўзбекистоннинг ўрни беқиёс эканлигини қайд этди.

“Ўзбекистоннинг очиқ сиёсати туфайли минтақавий ҳамкорлик ривожланмоқда. Президент Ш. Мирзиёевнинг БМТ шафелигида Транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича минтақавий марказ тузиш ташаббуси ЕИК мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур марказни ташкил этишда комиссия Ўз экспертлари билан ёрдам кўрсатишга тайёр”, деди у.

ЕИК Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларни диққат билан кузатиб бораётгани ҳамда транспорт ва логистика, уй-жой қурилиши, трансчегаравий сув ресурслари масалалари, халқаро савдо, экология ҳамда атроф-муҳит, давлат-хусусий шериклик каби кенг қамровли соҳаларни қамраб оладиган икки томонлама ҳамкорликни

ишбилармон, жамоат ҳамда эксперт доиралари вакиллари ва ватандошларимиз иштирок этди.

ГУАНЧЖОУ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Ўзбекистон Бош консулхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси Б. Сайдов, Гуандун провинцияси ва Гуанчжоу шаҳар Халқ ҳўкумати раҳбарлари, шунингдек,

мазкур провинция ишбилармон, жамоат ҳамда эксперт доиралари вакиллари ва ватандошларимиз иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ТАНҚИДИЙ КўРИБ ЧИҚИЛДИ ВА АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 2020 йил учинчи чорагида бажарилиши юзасидан ҳисоботи муҳокама қилинди.

Мазкур муҳокама Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг youtube.com даги расмий саҳифасида тўғридан-тўғри эфирга узатилади.

Таъкидланганидек, Давлат дастурини амалга оширишда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бардавом ривожланишини таъминлаш, ҳо-рижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибador инвестиция муҳитини яратиш, ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиш даражасини кўтартиш, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф

этиш юзасидан тегишли чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу йилнинг 9 ойи якуни иборат Давлат дастурининг 173 та банди ижросини таъминлаш назарда тутилган. Шундан ҳисобот даврида 99 та банд тўлиқ бажарилган, 15 та банднинг ижро муддати белгиланган тартибда узайтирилган, 53 та банд эса бажарилмоқда, 6 та банднинг ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар рўйбга чиқарилмоқда.



РАҚАМЛАШТИРИШ ЎСИШ ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Шу йилнинг 22 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев “рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”, деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, бугунги даврни рақамли технологияларсиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, у кундалик зарур эҳтиёжимизга, ҳар бир тармоқнинг ривожланиш мезонига айланмоқда.

“Expera-Suntronix” компаниялари халқаро альянси техник директори Одил АБДУЛЛАЕВ бизга шулар, хусусан, рақамлаштириш қандай қилиб давлат корхоналари самарадорлигини оширишга ёрдам бериши ҳақида сўзлаб берди.

Трансформация

У давлат компанияларига нима учун керак?

Қонунчиликда “давлат компанияси” деган атама мавжуд эмас. Амалиётда ушбу сўз бирикмаси билан давлат унитар корхоналари ҳам, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ҳам ифодаланади. Шу боис фикримизни акциядорлик жамиятлари фаолияти мисолида бошласак.

Айтиш жоизки, рақамли трансформация кўплаб имкониятларни очиб беради. Би-

ринчидан, тушум ўсади. Бу бизнес, маҳсулот ва хизматларнинг янги йўналишларини ишга тушириш ҳисобига юз беради. Масалан, телекоммуникациялар соҳасида бу мусиқа ва видео стриминг (оқимли онлайн эштитириш) учун рақамли сервислар ёки ақли уй учун булутли платформалар бўлиши мумкин.



ҲАММАМИЗГА АЁНКИ, ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ҲАМ, МАМЛАКАТНИ ҚУДРАТЛИ, МИЛЛАТНИ БУЮҚ ҚИЛАДИГАН КУЧ ҲАМ БУ — ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДИР. ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ВАТАНИМИЗНИНГ ЁРУҒ ИСТИҚБОЛИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА БЕРАЁТГАН ТАРБИЯМИЗ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИ

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Истиқбол

Бугунги кунда университетларнинг таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз соғлом ҳамда гўзал турмуш кечириш, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, инсоний қадрқимматини камситишга йўл қўймаслик, қисқача айтганда, қомилликка эришиш учун ҳаракат қилишга ва бу жараёнда таълим олишини энг асосий шарт сифатида кўрмоқда.



Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳўжатта интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмунини мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртиларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар



БОЙСУНЛИКЛАР ҚУВОНЧИ УЗОҚҚА ЧЎЗИЛМАДИ. НЕГА?



Бойсундаги Тешиктош ғори бу замин инсониятнинг илк манзилгоҳларидан бири экани ҳақида ғувоҳлик берса, “Алпомиш” достони айнан ушбу ҳудуд одамларининг узоқ ўтмиши, орзу-умидлари, мақсад ҳамда интилишларидан ҳикоя қилади. Маҳаллий аҳоли “Фарҳод ва Ширин” достонидаги воқеаларни ҳам Бойсун элининг узоқ ўтмиши билан боғлашади. Дарвоқе, Ҳисор тоғ

Журналист суриштируви

Ниҳоят Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрь ойида сурхондарёлик сайловчилар билан учрашуви чоғида воҳани келгуси беш йилликда ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари қаторида Бойсун тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш зарурлигига эътибор қаратди. Бу долзарб ва аҳамиятга молик

тизмаларига туташ Бойсунтоғда Кетмон чопди, деган жой бор. Айтишларича, афсонавий қаҳрамон Фарҳод тоғ бағрини ўйиб, Бойсунга сув йўлларини очишни мақсад қилган. Гарчи, бу бир афсона бўлса-да, бу ерликларнинг тоғ ортидаги сув манбаидан ичимлик суви олиб келишга интилиши азалий орзу бўлганини ифодалайди. Ҳудуд одамлари асрлар бўйи ана шу орзу билан яшаган...



ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ ВА АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

◀1 Ҳукумат томонидан парламентга тақдим этилган ҳисоб-ҳисобда келтирилишича, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 0,3-0,5 фоизни, жумладан, саноат — 98,6-99,0, хизматлар — 99,5, қишлоқ хўжалиги — 102,9, қурилиш ишлари 107,9 фоизни ташкил қилган.

Пандемия шароитида аҳолининг муҳтож қатламини моддий ҳамда номоддий қўллаб-қувватлашни тизимли амалга ошириш мақсадида жойлардаги 4 та сектор (ҳоким, прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда эҳтиёжманд, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати — “темир дафтар” ташкил қилган.

Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга 2 триллион 719 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблағлар дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш ҳамда карантинда сақлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан химоя чораларини амалга ошириш харажатларига йўналтирилган.

Утган давр мобайнида давлат дастурлари асосида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг ўз даромад манбаини шакллантириш борасида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 9 январьдаги қарорига асосан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисоби-га ҳозирги кунга қадар 43,6 мингта иш ўрни ташкил этилган.

Пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Президентнинг тегишли фармонларига асосан солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан 5,4 триллион сўмлик имтиёз ва енгилликлар қўлланилган.

Ҳукумат тақдим этган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича

қўриб чиқилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида Давлат дастурида белгиланган муҳим ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазифалар, чора-тадбирларнинг ижроси ҳолати халқ вакилларининг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлди.

Депутатлар амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, корона-вирус пандемияси боис юзага келган объектив сабаблар туяфайли Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифалар ижроси ҳозирги кунда таъминланмаганини қайд этди.

Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда тобора долзарб аҳамият касб этаётган замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ йўл инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича бошланган ишлар ўз якунига етмаган.

Шу билан бир қаторда, хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, ушбу жараёнга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, Илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш каби вазифаларни назарда тутувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишини тезлаштириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат дастурининг жорий йил учинчи чорағидаги ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуктаи назарини, фикр-мулоҳаза ва тақлифларини баён қилди. Ҳукуматга Давлат дастури ижросини тўла таъминлаш бўйича тақлифларини илгари сурди.

Хусусан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фракцияси аъзолари корона-вирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектлари хар томонлама қўллаб-қувватлаиб, самарали фаолият юритиши учун барча зарур шароит

яратиб берилгани, айниқса, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга катта эътибор қаратилганини эътироф этди.

Шунингдек, ҳар бир банд, белгиланган вазифанинг тағ-замирида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашдек муҳим мақсадлар тургани айтилиб, уларнинг ижросини кечиктирмасдан, ўз вақтида адо этиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фракцияси вакиллари дастурда кўзда тутилган, таълим-тарбиянинг асосий буғини ҳисобланган мактабларнинг қурилиш-монтаж ишларини таҳлил қилган ҳолда, бу борадаги ҳаракатларни жонлантириш лозимлигини қайд этди. Халқ таълими вазирлиги томонидан Давлат дастури-ни амалга оширишда мактабларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, маъзур қурилиш-таъмирлаш ишлариде каттақўшналари кўзда тутилмаётганлиги депутатлар томонидан кўрсатиб ўпилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз муддатида ва пухта бажарилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат томонидан мунтазам муҳокамалар ўтказиш тизими йўлга қўйилгани давлат бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик билршмаларе раҳбарларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилди.

Шу билан бирга, ижроси таъминланмаган бандларга ҳам эътибор қаратилиб, аксарият вазифалар бажарилишида йўл қўйилган камчиликлар, икром этиш ҳолатининг кечикканлиги ёки етарлича асосга эга бўлмай уларнинг муддати узайтирилгани жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди. Шу боис Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, белгиланган ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишини

жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари пандемия давридаги қийинчиликларга қарамай, Ҳукумат томонидан Давлат дастури ижроси юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилгани, хусусан, партия электорати бўлган жамиятдаги эҳтиёжманд қатлам манфаатларини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар қўрилаётганини эътироф этди.

Ўз навбатида, камбағалликни қисқартириш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокини таъминлаш зарурлигига эътиборни қаратди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари томонидан ҳисобот даврида энергия ва бошқа ресурсларни тежайдиган технологиялар, жумладан, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳамда илгор технологияларни жорий қилиш орқали энергия самарадорлигига эришишга жиддий эътибор қаратилаётгани алоҳида қайд этилди.

Айни ҳолда аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш заруритидан келиб чиқиб, республика миқёсидеги барча сув ресурси ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритишнинг ягона тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигига уруғ берилди. Шунингдек, фракция аъзолари Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш муддатларининг узайтирилганини танқид остига олиб, уларни ўз вақтида самарали ҳамда сифатли бажарилиши лозимлигини таъкидлади.

Қўйи палатадаги фракцияларнинг ҳисобот юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари тинглангандан сўнг, депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади ҳамда Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар акс этган қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

◀1 ЕИКнинг ижро этувчи котиби “ЕИК минтақасида кўп айланмали иқтисодиётни ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишни тарғиб қилиш” мавзусида 2021 йил 20-21 апрель кунлари Женевада ўтказиладиган 69-сессиясига Ўзбекистонни қатнашишга

Парламентларо алоқалар давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

Женевадаги БМТ бўлиммаси ва Швейцариядаги бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Эфиопия Доимий вакили, элчи Зинебе Корчо Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан қизғин кутлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги пар-

ЖССТ COVID-19 пандемиясига қарши кураш борасидаги ишларни эътироф этди

ЖССТ бош директори Тедрос Гебрейесус Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан кутлар экан, бу Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган кенг қўламли илохотларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишдан, шунингдек, мамлакатнинг БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мақсад ҳамда тамойилларига содиқлигидан далолат беришини таъкидлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши билан келгуси уч йилда халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш масалаларига муносиб ҳисса қўшади, деб умид билдирди Т. Гебрейесус.

Учрашувда, шунингдек, ЖССТ бош директори мамлакатимиз раҳбариятига коронавирус инфекциясининг тарқалиши даврида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти услубий тавсияларини қўллаб-қувватлагани ва уларга амал қилгани учун миннатдорлик билдирди. Бундан ташқари, у Президент Ш. Мирзиёев бошчилигида мамлакатда пандемия оқибатларини юмшатиш бўйича

тақлиф қилди. Унинг дастурига ЕИК бўлажак минтақаси концептуал манзарасини ишлаб чиқиш, иқтисодий интеграция ва ҳамкорлик орқали 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш масалаларини қўриб чиқиш қиритлиши режалаштирилган.

ламентлароа ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳоама қилинди.

Эфиопия томони парламентларо алоқаларнинг мустақамланиши давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва икки мамлакат халқлари фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Т. Гебрейесус Ўзбекистон Республикасида қўрилган чора-тадбирларни, нафақат COVID-19 тарқалишининг олдини олиш, балки аҳоли соғлиқини сақлаш масалаларига қаратилган эътиборни юқори баҳолади. Сўнгги уч йилда давлат сиёсати даражасига кўтарилган оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш бўйича олиб борилган ишларга ҳам ижобий баҳо берилди.

Шу муносабат билан ЖССТ бош директори Ўзбекистон Республикасини У. Вафбет фонди (АҚШ) билан ҳамкорликда техник кўмак бериш лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш дастурига қиритиш масаласини ўрганишга тайёрглигини маълум қилди.

лакатимизда интеллектуал мулкни ривожлантиришнинг уч йиллик стратегиясини ишлаб чиқишда Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрглигини билдирди.

У Ўзбекистоннинг рейтинглардаги ўринларини яхшилаш бўйича ўзбек мутахассислари билан ҳамкорлик келгуси йилда ҳам давом эттирилишини айтиб ўтди. Қолаверса, Ўзбекистонни “Global Innovation Index — 2020”га қиритишда маълумот тақдим этгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Дарен Танг миллий брендларни яратиш ва географик номларни халқаро миқёсда ҳимоя қилиш масалаларига ҳам тўхтади.

“Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги бутун дунёга донг таратган. Биз уларни халқаро даражада ҳимоя қилишда, шунингдек, Сингапурда уларни Ўзбекистонда қўллаш учун интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича тажриба алмашишда кўмак беришга тайёрмиз”, деди БИМТ бош директори.

Янги Ўзбекистон тўғри йўналишда

кин, янги Ўзбекистон тўғри йўналишда”, деди у. Учрашувда Аргентина элчиси Ф. Виллегас ҳам Ўзбекистон қисқа давр ичида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жумладан, парламент фаолиятини такомиллаштириш борасида катта ютуқларга эришганини қайд этди.

Женевага ташриф давомида Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг гендер тенглик масалалари бўйича Учинчи таҳлилий конференциясида ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.

«Халқ сўзи».

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида қандай ислохотлар олиб борилмоқда? Уларнинг амалий натижалари ҳаётимизда қай даражада акс этмоқда?

Қўмита эшитуви

Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда ушбу саволларга юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликларининг ахборотлари эшитилди.

Таъкидлангандек, бугунги кунда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 28,4 фоизга етказилган. Меҳнат бозори талабаларига кўра, янги 9 та таълим йўналиши ва 37 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборотида қайд этилишича, 2020/2021 ўқув йилида пандемия муносабати билан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият кундузги таълим йўналишлари талабалари учун белгиланган тўлов-контракт миқдорларига 10 фоизлик чегирма берилган. Натижада талабалар ва уларнинг ота-оналарининг 200,0 миллиард сўмдан зиёд маблағлари иқтисод қилинган.

Халқ таълими вазирлигининг ахборотига кўра, янги ўқув йилини қай тарзда бошлаш лозимлиги бўйича жамоатчилик фикри ўрганилган. 5 миллионга яқин ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровномаларда аънанавий таълим шаклини 4,2 миллион нафар ота-она , 754 минг нафари эса масофавий таълим шаклини танлаган.

«Халқ сўзи».

ГУАНЧЖОУ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

◀1 Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон элчиси Бахтиёр Саидов Бош консулхонанинг очилиши Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш, барча соҳада амалий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, энг аввало, Ўзбекистон вилоятлари ҳамда ХХР жанубий провинциялари ўртасидаги ўзаро товар алмашув ҳажмларини кўпайтиришга қўшимча туртки беришини қайд этди.

Ириқ саноат, молия ва транспорт маркази бўлган Гуанчжоу шаҳри минтақаларо алоқаларни ривожлантириш, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика, транспорт коммуникациялари ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг мустақамланишида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Гуандун, Фуцзянь, Хунань, Хайнань провинциялари ҳамда Хитой-

нинг Гуанси-Чжуан автоном тумани ушбу Бош консулхона округига қиради.

Бош консулхонанинг очилиш маросими доирасида Ўзбекистоннинг сармоявий, экспорт ва сайёҳлик салоҳияти тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Таъдир иштирокичилари эътиборига Ўзбекистонда яратилган жозибали ишбилармонлик муҳити, эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар, қурилиш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги жабҳасини ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятлар ҳамда бу йўналишлардаги ҳамкорлигининг истиқболлари тўғрисидада атрофлича маълумотлар тақдим этилди.

Шухрат УМИРОВ, «Дунё» АА мухбири.

Пекин

ПАНДЕМИЯ ПАЙТИДА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглик масалалари бўйича комиссияси ва унинг ҳузуридаги ННТлар билршмасси томонидан “Глобал COVID-19 инкирози даврида зўравонлик пандемияси: хатарлар, уларнинг олдини олиш чоралари, ечимлар” мавзусида тренинг ўтказилди.

Тренинг

Европа Иттифоқи тажрибаси асосида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда комиссия аъзолари, юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва нодавлат нотихорик ташкилотлари вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидлангандек, COVID-19 пандемияси оқибатида оилалардаги зўравонлик ҳолатлари глобал миқёсда кўпайгани кузатилмоқда. Шу боис зўравонликдан жабрланганларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ходимларида тегишли кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларнинг билим даражасини ошириш муҳим.

Бу борада малака ва тажриба алмашиш орқали аёлларга нисбатан зўравонлик даражасини камайтириш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Унинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан

ҳамкорликда муаммо сабаблари ҳамда тегишли хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида жамоатчилик хабардорлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, тренингда бу йўналишдаги маълумотларни самарали тарқатиш усуллари муҳоама қилинди.

Бундан ташқари, тадбирда пандемия шароитида аёлларни, айниқса, зўравонлик қурбонлари бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладиган миллий ва маҳаллий даражадаги чоралар муҳоама этилди. Бу борада тегишли тақлифлар билдирилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, лойиҳа доирасида 2020 йилнинг 29 ва 30 октябрь кунлари худди шу мавзуда журналистлар, ички ишлар органлари ҳамда тиббиёт муассасалари ходимлари учун бир кунлик тренинглар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

ҲУДУДЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Шу йилнинг 16 октябрида Президентимиз раислигида юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди.

Маҳаллий Кенгашларда

Айни кунларда ҳудудларда Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилиб, уларда йўналишга оид топшириқлар ижроси атрафлича катта салоҳиятга эга.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши сессиясида ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорлардаги нарх-наво асосисз ўсиб кетишининг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ва ташвиқот ишларини олиб бориш борасидаги сайё-ҳаракатлар таҳлил қилинди.

— 2021 йилнинг май ойигача бўлган даврда вилоят аҳолисини асосий 9 турдаги маҳсулот, яъни гўшт, тухум, картошка, пивёз, сабзи, гуруч, ун, ўсимлик ёғи ва шакар билан узлуксиз таъминлаш, нархлар барқарорлигини сақлаш мақсадида чора-тадбирлар белгилаб олампиз, — дейди Жиззах вилояти ҳокими, сенатор Эргаш Солиев. — Мақсадимиз қилшга пухта ҳозирлик қўриш ҳамда зарур турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратишдан иборат. Шу мақсадда кенг қўламли ишларни бошлаб юбордик.

Сессияда айтилишича, бугунги кунда озиқ-овқат захираларини

сақлаш учун 59 та 34,5 минг тонна сизимга эга замонавий музлаткич-ли омборхона фаолият кўрсатяпти.

Йиғилишда юртимиз қишлоқ хўжалиги тармоқлари турли маҳсулотлар етиштириш бўйича катта салоҳиятга эгалиги, шундай улкан имкониятлар бўла туриб, бозорлардаги нарх-навонинг асосисз ошириб юборилиши адолатдан эмаслиги алоҳида таъкидланди. Бу борада сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, соҳа масъуллари, журналисти ва блогерлар томонидан жамоатчилик назорати самарали йўлга қўйилса, албатта, вазиятни қўлга олиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Яқунда белгиланган чора-тадбирлар ижросини бажариш ҳамда нархлар барқарорлигини таъминлаш ва назоратни ўрнатиш мақсадида мутасаддиларга аҳоли зич бўлган ҳудудлар, шаҳарча ҳамда массивларда “яшил дўкон”лар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши сессиясида ҳам айни шу масалалар муҳоама этилди.

Таъкидлангандек, ҳудудда қарийб 3 миллион 140 минг нафар аҳолини

тиббий меъёрларда белгиланган, хавфсиз ва етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Аммо тан олиш керак, вилоят бозорларида айрим озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ошishi аҳолини саросимига солиб қўйди. Шундан сўнг вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан бозорлардаги нарх-наво қатъий назоратга олинди. Бу яхши, албатта. Бироқ келгусида вазият қандай бўлади? Аҳоли куз-қиш масвусида озиқ-овқат тақчиллигига дуч келмайдими?

Сессияда шу саволларга ҳам жавоб берилди.

Маълум қилинишича, бугунги кунда вилоят аҳолиси учун киши бошига талаб этиладиган келгуси 6 ойлик озиқ-овқат маҳсулотлари талаби ҳамда уларнинг захирасини яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилади. Яъни картошка бўйича йиллик меъёр киши бошига ўртача 52,6 кг.ни ташкил қилса, олти ойда 76,1 минг тонна маҳсулот зарур бўлади. Эҳтиёжнинг 66,6 минг тоннаси, яъни 87,5 фоизи вилоятда етиштирилган маҳсулот ҳисобидан қопланса, қолган 9,5 минг тоннаси четдан келтирилади. Бунинг учун тасаддиларга аҳоли зич бўлган ҳудудлар, шаҳарча ҳамда массивларда “яшил дўкон”лар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Йиғилишда келгуси йил май ойигача бўлган даврда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳамда уни қоплаш манбала-

камералар тайёр ҳолга келтирилди.

Истеъмол бозориде нарх-навоини барқарорлаштиришга қўмаклашиш, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларини қамлаш, сақлаш ва истеъмолга йўналтириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузурида “Вилоят озиқ-овқат захира” жамғармаси ташкил этилиб, маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўм ўтказиб бериладиган бўлди.

Ҳоким ҳисоботида гўшт маҳсулотлари етиштириш ҳамда сотишни қўлайитиришнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосланган таҳлил келтирилди. Унга кўра, маҳаллий тадбиркорлар томонидан қўшни Қирғизистондан тирик вазни 360 — 400 килограмм тош босадиган ва килоси 38 — 40 минг сўмдан бўлган минг бош қорамол олиб келинади. Натижада гўшт маҳсулотларини марказий бозорларда 46 минг сўмдан сотиш режалаштирилган.

Ўз навбатида, деҳқон

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИ

◀1 Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги даъваткор нутқи ҳам ана шундан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилади.

Шакл ва мазмун моҳияти

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти охириги тўрт йилда очиклик шариотида, жаҳондаги бир неча машҳур университетларнинг илмий, таълимий ва тадқиқот фаолияти, шунингдек, халқаро таълим дастурлари тизими билан ҳамкорликда иш олиб борди. Бу эса бизни таълим жараёнининг шакл ҳамда мазмунини кенгайтириш моҳиятини англашга ундайди.

Маъзур фаолият Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги жадал янгилаиш ҳамда ўзгаришлар шариотида таълим ва фанни инновацияларга йўналтирган ҳолда ривожлантириш мақсадларига тўла мос келади. Бу борада янги таълимий парадигмаларни, тадқиқот университетлари томонидан мамлакатда инсон капиталини ошириш бўйича олимлар ҳамда талабалар учун яратилаётган имкониятларни тушуниб етиш керак бўлади.

Айни даврда Ўзбекистон олий таълим соҳасида сезиларли иқибобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг даромадлари ҳам ортяпти. Инновация йўналишидаги алоҳида давлат тузилмалари ташкил этилиб, олий ўқув юртларида ҳам янги бўлинмалар очилмоқда. Буларнинг барчаси олий таълимга бўлган ёндашувни ўзгариб, унинг сифати ҳамда даражасини кўтаришга хизмат қилиши аниқ. Жумладан, бизнинг институтда ҳам.

Шу ўринда Президентимизнинг 2016 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган олимлару зиёилилар билан учрашуви ёдга тушади. Ушанда давлат раҳбари мамлакатимиз саноати, аграр тармоғи ва умуман, иқтисодиётда хорижда ишлаб чиқарилган замонавий технология ҳамда жиҳозларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратганди. Ўзбекистондаги йирик таълим даргоҳининг раҳбари сифатида мен бу фикрни ўзимга ҳамда институтимиз жамоасига ҳам тегишли, деб қабул қилдим. Негаки, гап рақамли ечимлар асосида ишлайдиган мураккаб технологик комплекслардан тортиб, то оддий муҳандислик ишланма ва ускуналарига чеддан келтирилаётгани ҳақида борар эди.

Давлат эҳтиёжларига мос ҳолда

Таълимнинг асосий вазифаларини, мавжуд илмий салоҳият ва алоҳида шахсларнинг истеъоддини давлатнинг, унинг тузилмалари ҳамда иқтисодиёти тармоқларининг амалдаги эҳтиёжларига мослаштириш жуда муҳим. Агар шундай қилинмаса, бир кун келиб, тамаддундан йироқлашади, мамлакат учун кераксиз, ортиқча даҳмазага айлиниб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Йиллар давомида биз ривожланмадик, кузатувчи бўлиб қолавердик, дейиш, албатта, нотўғри бўларди. Фанлар академиясидаги учрашув эса Ўзбекистоннинг энг янги тарихида биз илмий ҳамжамиятда қандай ўринни эгалляпмиз, халқаро таълим жараёнида қатнашяпмизми, ўзгаришлар ва инновацияларни мақсад қилганмизми — ана шу каби саволларни кўндаланг қўйди.

Ҳўш, аграр тармоқни, унинг сув ҳўжалиги комплексини, муайян фермер ҳўжалигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш учун қандай янги, аниқ технологиялар, жиҳозлар ва дастурий маҳсулотларни тақил қила оламиз? Таълим ҳамда илмий тадқиқотлар соҳасидаги кучли рақобат шариотида инновацион ечимларни яратиш ва уларни қўлайтириш учун институтимиз

Бу — «мода»га эргашиш эмас

Тадқиқотлар университетини яратиш энг асосий мақсад эмас ёки урфга берилиш ҳам эмас. Бу таълимий ва илмий фаолиятни инновацион ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиш, дегандир. Дунё тажрибаси кўрсатишича, тадқиқотлар университетини шакллантиришнинг муҳим омили унинг кўп функцияли бўлиши, таълим — фан — ишлаб чиқариш “занжири”да инновацион жараёнларнинг қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ.

Жаҳондаги ақсарият етакчи тадқиқотлар университетлари инсоний заҳиранинг юқори сифати, яъни: профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини доим ошириб бориш; иш бевуричлар ҳамда илмий ишланмалардан фойдаланувчилар билан ҳамкорлик қилиб, билимлар ва илғор инновацияларни кенг ёйиш; муассасанинг ўз замонавий илмий тадқиқот ҳамда тажриба ўтказиш инфратузилмасига эга бўлиши каби кўрсаткичлар билан ажралиб туради. Шунингдек, унда академик, молиявий, ташкилий ва кадрлар масаласидаги мустақиллик нуктаи назаридан автоном бошқарув модели ҳам мавжуд бўлиши керак.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида тайёрлаётган мутахассислари, профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, фундаментал ҳамда амалий илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, иқтисослаштирилган лабораториялар ва тажриба-ишлаб чиқариш майдончалари ҳамда худудлардаги филиалларининг мавжудлиги каби йўналишларда бирмунча нобъ тажриба бўлади. Олий даргоҳимизнинг таълимий вазифаси ирригатор, механик, энергетик, қурувчи, насосчи, мелиоратор, ердан фойдаланувчи, гидро-энергетик, иқтисодчи, сув таъминотчиси, гидрогеолог ва геодезист — жами 33 та мутахассислик ҳамда фаолият йўналиши бўйича кадрлар етиштиришдан иборат, умумий илмий салоҳияти 69 фоиз. Инновацион инфратузилмани эса институтда технопарклар, технополислар, илмий-инновацион кластерлар ва лабораториялар, бизнес-инкубаторлар, янги замонавий кафедралар ташкил этмоқда.

Тижорий маҳсулотга айлантириш учун

Юқорида санаб ўтилган тузилмаларни инновацион корхоналарнинг ўзига хос инжиниринг фабрикаси, дейиш мумкин.

Уларнинг вазифаси — тадбиркорларга лойиҳавий тақлифлар тайёрлашнинг, инновацион бизнес-лойиҳа тузишнинг, саводли консалтинг юритишнинг, сармояларни даромадли бизнесга йўналтириш ёки “ғоядан — тайёр маҳсулотгача” жараёни учун локал эконмуҳит яратишни ўргатишдир. Технопарклар, кластерлар ва инкубаторлар бўлса, олимларга ўз илмий юғяларини тижорий маҳсулот даражасига етказишда ёрдам беради.

Шуни билиш ҳамда тушуниш муҳимки, мамлакат раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган вазифа — Ўзбекистон иқтисодиётига инновацияларни жорий этишнинг жадаллаштириш — кўп жиҳатдан унинг ян-

гиланаётган тузилмасини шакллантиришга боғлиқ. Тузилма таркибида энг аҳамиятли ўринни илмий-таълимий соҳа эгаллайди. Бу эса институционал тизимнинг, яъни олий таълим муассасалари, жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг мавқеини янада кўтариш, мустаҳкамлаш билан чамбарчасдир.

Билим ва кўникмалар — тамал тоши сифатида

Ўзбекистоннинг агросаноат комплексини ривожлантириш стратегиясини тузишда инновациялар билан қуролланган янги авлодининг билим ва кўникмаларига таянувчи иқтисодиётнинг шакллантиришдан бошқа йўл йўқ. Илмий-таълимий соҳанинг юқори салоҳияти қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ирригация секторида инновациялар жорий этилишини таъминлар экан, ушбу ижтимоий-иқтисодий тузилма мамлакатнинг макроиқтисодий тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги давр талаб этаётган инновацияларни амалга ошириш учун эса илмий-таълимий соҳанинг ўзи ҳам энг замонавий инновацион технологияларни ўз фаолиятига татбиқ қилиши лозим. Бу иш илмий-таълимий соҳанинг инновацион ривожланишини бошқаришга мўлжалланган технологиялар, механизмлар ва усулларни тақомиллаштиришни тақозо қилад. Бизнинг институтимиз ушбу йўналишда муайян тажриба тўплади, аниқроғи — ўзини инновацион ривожланиш векторига эга олий ўқув юрти сифатида танитадиган кўрсаткичларга эришди. Булар:

— инновацион инфратузилмани шакллантириш, унинг асосий элементлари бўлган технопарклар, кластерлар, технополислар ва бизнес-инкубаторлар;

— таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг макроиқтисодий интеграцияси — у институт атрофида кластер тузилмалари билан тўдйрилидагидан, иқтисослаштирилган илмий-техник ва иқтисодий майдончани шакллантиришга олиб келади;

— қўлай таълим жараёнини ташкил этиш — бунда илмий тадқиқотлар, таълим ҳамда фаннинг инновацион фаолигини оширишга хизмат қилувчи шариотлар, яъни ўқитувчилар, докторантлар, магистрант ва талабаларни илмий ишланмаларга жалб этиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун шарт-шариотлар яратилади;

— илмий-техник ҳамда иқтисодиётнинг инновацион соҳасида ишлашга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари.

Юқорида келтирилган, институтнинг замонавий илмий-таълимий фаолиятини тегишли кўрсаткичларнинг ақсарияти ушбу соҳадаги интилишларимиз ва салоҳиятимиздан дарак бериб турибди. Улар босиб ўтилган ривожланиш босқичига холис баҳо бериш билан бирга, келгусида тадқиқотлар университетига айланиш учун йўл очиб беради.

Бундай университетлар МДХ бўйича қўшилларимиз — Қозоғистон ва Россия Федерациясида бор. Уларнинг таркибаси катта қизиқиш уйғотади, масалан, ушбу олий даргоҳлар давлат ташаббуси билан ўтказиладиган, “миллий тадқиқотлар университети” тоифаси бериладиган олий таълим муассасаларини ривожлантириш дастурлари бўйича танловда қатнашади. Россияда бундай танлов университетинг айна вақтдаги ҳолати ҳамда кейинги йиллардаги ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш асосида



амалга оширилади. Жумладан, бунда университетнинг кадрлар салоҳияти, таълим жараёни ва илмий тадқиқотлар инфратузилмаси, таълимий ҳамда илмий-инновацион фаолиятнинг самарадорлиги, халқаро ва миллий даражада тан олинган ютуқлари, тақдим этилган ривожланиш дастурининг асосланганлиги ҳамда қўтилаётган натижадорлиги сингари кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Қозоғистон мисолида оладиган бўлсак, санаб ўтилган мезонлар бўйича айрим кўрсаткичлар қуйидагича:

— ушбу олий ўқув юрти асосий иш жойи бўлган ўқитувчилар орасидан илмий даража ва илмий унвонга эга бўлганлари — 70 фоиздан кам эмас;

— олий таълимдан кейинги таълим дастурлари бўйича таҳсилни давом эттираётган магистрант ва докторантлар улуши — умумий контингентнинг 15 фоиздан кўпроғи;

— “Times Higher Education World University Rankings” рейтингига мувофиқ равишда дунёнинг энг яхши 200 та университети сафига кирган хорижий олий ўқув юрти иштирокида ишлаб чиқилган олий таълимдан кейинги таълим дастурларининг улуши — 20 фоиздан кам эмас;

— илмий-педагогик ходимларнинг умумий таркибида четдан тақлиф этилган хорижий ўқитувчи ва тадқиқотчилар улуши — 12 фоиздан кам эмас;

— хорижий ўқитувчи ва тадқиқотчилар билан ҳаммуаллифликда тайёрланган илмий мақолалар улуши — кейинги уч йилда халқаро рейтингли журналларда чоп этилган илмий мақолаларнинг умумий сонига нисбатан 10 фоиздан кам эмас.

Умуман, танловни ташкил этишда танлов гоилиблари бўлган университетлар (олий таълим муассасалари)нинг ривожланиш дастурларини молиялаштириш тартиби ва шартлари ҳисобга олинади. Албатта, Россия ҳамда Қозоғистонда олий ўқув юртларининг фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган ёндашувлар тўлароқ ва чуқурроқ ўрганишга лойиқдир. Шунингдек, Ўзбекистонда уни жорий этиш кўзда тутилаётган бўлса, демак, ҳар томонлама, жумладан, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Бу борада “QS Quacquarelli Symonds” компанияси консалтинг бўлими бошлиғи Д. Реджонинг “Народное слово” газетасида чоп этилган таҳлилий мақоласи фойдали ва ўз вақтида чиққан мақола бўлди. Унда Ўзбекистоннинг университетлари таълимий ҳамда илмий тажриба асосида халқаро эътирофга сазовор бўлиш ҳаракатини кучайтириши лозимлиги айтилган.

Ортада қолиш эмас, олдинда юриш керак

Ўзгаришлар йўлидаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталиб ўтиш жоиз.

Яхши тушунаимки, тадқиқотлар университетига айланиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун замонавий, юқори даражада ташкиллаштирилган инновацион рақамли базага таяниш лозим бўлади. Бу масалада анча орқда қолганмиз. Кўриб турганимиздек, дунё аллақачон рақамли глобаллашув даврига қадам босди, бу давр эса ахборот, гоьлар ҳамда инновациялар оқими тўтмаётгани билан ажралиб туради.

Экспертларнинг башоратига кўра, 2021 — 2023 йилларга бориб, жаҳон иқтисодиётининг 25 фоизи рақамлаштирилган технологияларни жорий этишга ўтади. Бу жараён эса давлат, бизнес, таълим ва умуман, жамият самарали фаолият юритишига имкон яратди.

Бундай шариотда истиқболли таълим технологиялари, янги ахборот-коммуникация воситалари, инновацион педагогик ечимлар ва ихтимойи технологиялардан кенг фойдаланаётган smart-таълим тизими бугунги кун талабларига, давлат ҳамда жамиятнинг интилишларига тўла жавоб беради. Мисол учун, Европада ушбу чакрикларга жавобан ягона Европа университети ҳақидаги гоь илгари сурилмоқда, токи у интернет тармоғида smart-таълимнинг умумий стандартлари, битим ва технологиялари асосида ҳамкорликдаги таълимий фаолиятни олиб босин. Россия Федерациясида “20.35” Миллий технологик ташаббус университети фаолият юритади, у эса инсоннинг рақамли иқтисодиётдаги касбий ривожланишини таъминлайди.

Жаҳон таълим ҳамжамиятида шунга ўхшаган мисоллар кўп.

Жаҳон тенденциялари сари

Ахир биз шундай жаҳон тенденцияларидан четда қолишимиз мумкинми? Албатта, йўқ. Бугунги кунда институтимиз минтақавий ва халқаро даражадаги аниқ лойиҳалар устида ишляптаи, янги рақамли таълим платформасини яратиш, инфратузилмада замонавий бўлинмалар ташкил этиш бўйича инновацион ечимлар қабул қилимоқда. Шунингдек, қўпбал илмий ҳамда таълимий тадбирларда иштирок этапти.

Биз янгилашув кашфиётлар асосига жуда яқин келдик. Мақсадни белгилаб олганимиз ва биздан аввалги устозлар ўз ҳаётини институтга, Ватанга бағишлагани сингари фидойилик талаб этилади шунда, албатта, мақсадга етамиз.

Кўпчилик билмаса ҳам керак: узоқ 1922 йилда Туркистон давлат университетининг гидротехника бўлимини илк бора 16 нафар сув тежаш муҳандиссин битириб чиққан. Демак, яқин орада биз Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг 100 йиллигини нишонлаймиз. Ушбу шонли тарихнинг кейинги тўрт йили жадал ривожланиш даври бўлди. 2016 йилда олий таълим даргоҳимиз қайтадан тикланди. Институтимизда “Tempus”, “Erasmus” ҳамда “Erasmus+” халқаро лойиҳа ва танловлари, Евроиттифоқнинг “Susadisa” ҳамда “GIZ” лойиҳалари, Ўзбекистон — Россия таълим форумининг лойиҳалари тўлароқли амалга оширилмоқда.

2022 йилда нишонланадиган бир асрлик юбилей фаолиятимизда биз институт тарихидаги янги ош йилликка инновацион ютуқлар билан, янги вазифаларни ҳал этишга қаратилган савъ-ҳаракатлар билан, янги платформада ривожланиш ва муваффақиятлар билан қадам қўймоқчимиз.

Ўқтам УМУРЗОҚОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ректори,
Республика олий таълим кенгаши раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига тақлиф қилад.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auction.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2020 йил 9 — 16 ноябрь кунлари ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Лот рақами	Сотувга чиқарилган сана
1.	«Nexia Dons»	01/518 ODA	2015	324662	16.11.2020
2.	«YAZ 31514»	01/927 ZAA	2006	0322405	09.11.2020
3.	«YAZ 31514»	01/925 ZAA	2006	0322365	09.11.2020
4.	«YAZ 31514-012»	01/924 ZAA	2006	0322340	09.11.2020
5.	«YAZ 31514-012»	01/903 ZAA	2006	0322187	09.11.2020
6.	«YAZ 31514-012»	01/902 ZAA	2008	0322186	09.11.2020
7.	«YAZ 31514-012»	01/896 ZAA	2008	0322185	09.11.2020
8.	«YAZ 315142-012»	01/881 ZAA	2008	0322152	09.11.2020
9.	«YAZ 31514»	01/860 ZAA	2006	0322568	08.11.2020
10.	«YAZ 31514»	01/856 ZAA	2008	0322144	09.11.2020
11.	«YAZ 31514»	01/852 ZAA	2008	0322092	09.11.2020
12.	«YAZ 315142-012»	01/834ZAA	2008	0322041	09.11.2020
13.	«YAZ 315142-012»	01/831 ZAA	2006	0322039	09.11.2020
14.	«YAZ 31514»	01/827 ZAA	2008	0322027	09.11.2020
15.	«YAZ 31514»	01/735 ZAA	2006	0322010	09.11.2020
16.	«YAZ 31514»	01/432 ZAA	2009	0321990	09.11.2020
17.	«YAZ 31514»	01/431 ZAA	2009	0321931	09.11.2020
18.	«YAZ 31514-012»	01/430 ZAA	2009	0321879	09.11.2020
19.	«YAZ 31514-012»	01/429 ZAA	2009	0321861	09.11.2020
20.	«YAZ 31514»	01/428 ZAA	2009	0321806	09.11.2020
21.	«YAZ 315142-012»	01/427 ZAA	2009	0321802	09.11.2020
22.	«YAZ 315142-012»	01/426 ZAA	2009	0321797	09.11.2020
23.	«YAZ 315142-012»	01/425 ZAA	2009	0321795	09.11.2020
24.	«YAZ 315142-012»	01/368 ZAA	2008	0321792	09.11.2020
25.	«YAZ 31514»	01/119 TDA	2009	0321790	09.11.2020
26.	«YAZ 315142-012»	01/118-TDA	2009	0321786	09.11.2020
27.	«YAZ 315142-012»	01 104 TDA	2008	0321785	09.11.2020
28.	«YAZ 315142-012»	01/073 EEA	2009	0321784	09.11.2020
29.	«YAZ 31514»	01/069 EEA	2009	0321783	09.11.2020
30.	«YAZ 315142-012»	01/068 EEA	2009	0320993	09.11.2020
31.	«YAZ 315142-012»	01/014 VDA	2008	0320992	09.11.2020
32.	«YAZ 315142-012»	01/013 VDA	2009	0320991	09.11.2020

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига тақлиф қилад.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар бошқармаси билан 2019 йил 21 октябрда тузилган 246/2019-12-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auction.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2020 йил 4 — 6 ноябрь кунлари ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 102 QDA	0317053
2.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 123 QDA	0317049
3.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 124 QDA	0317051
4.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 137 QDA	0317050
5.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 139 QDA	0317394
6.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 151 QDA	0317055
7.	«Captiva-2 (3,0) LTZ»	2015	01 161 QDA	0317054
8.	«Chevrolet OrlandoLS»	2015	01 164 QDA	0317059
9.	«Chevrolet OrlandoLS»	2015	01 196 QDA	0317058
10.	«Chevrolet OrlandoLT»	2015	01 210 QDA	0317057
11.	«Chevrolet OrlandoLT»	2015	01 215 QDA	0317056
12.	«Lacetti»	2010	01 068 TCA	0317060
13.	«Nexia»	2008	01 710 EAA	0317062
14.	«Nexia»	2015	01 841 CGA	0317061

БОЙСУНЛИКЛАР ҚУВОНЧИ УЗОҚҚА ЧЎЗИЛМАДИ. НЕГА?



Қахратон қишнинг қорли-қировли кунларига қарамай бошланган бу борадаги қурилиш ишлари 2018 йилнинг сентябрь ойида якунига етказилди. Объектнинг умумий қиймати 57 миллирдан 193 миллион сўмни ташкил этиб, бош пудратчи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли “Махсус механизациялашган йўл станцияси” томонидан қурилиш ишлари амалга оширилди.

Ўхжамайхона — табиат мўжизаси. Улкан қоялар остидан оқиб чиқадиган сув манбаи тоғларда ёғадиган қор-ёмғирлар натижасида пайдо бўлади. Ҳеч бир дарё ва қўлларга туташмаган бу ҳаёт чамасисидан секундида 41 минг куб сув оқиб чиқибди киши ҳайратини оширади. Холбуки, унинг 20 минг кубин билан Бойсун тумани аҳолисини тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминлаш мумкин экан. Бунинг билган бойсунликлар ҳаммаша Ўхжамайхона сув манбаидан баҳра олишга интилиб келган. Ана шу орзу-умидлар афсоналарда ҳам ўз ифодасини толган бўлса не ажаб...

Ичимлик суви тармоғи қуриб битказилиши билан Бойсун туманидаги 14 та аҳоли пунктида яшовчи 20 мингга яқин одамлар, хусусан, асрлар давомида ичимлик сувини узоқ манзиллардан ташиб келган Бошработ, Инкабод, Қўлкамал, Чорбоғ, Даштиғоз, Пулхоким, Сарқамаш, Шўрсой ва Газа сингари қишлоқларда яшовчи аҳоли хонадонларига экологик тоза обихаёт етказилиши кўзда тутилган.

Халқимизда “Етдим деганда — йиқилдим”, деган мақол бор. Бойсунликлар қувончи ҳам узоққа чўзилмади. Гап шундаки, мазкур ичимлик суви тармоғининг 29 км. қисмида диаметри 530 кублик темир қувурлар тортилган бўлса, унинг 7 км. қисмида полиэтилен қувурлар монтаж қилинган. Мана шу полиэтилен қувурларнинг тез-тез ёрилиши узуқсиз ичимлик суви таъминотининг асосий муаммоси бўлиб турибди.

— Давлатимиз раҳбари Сурхондарёга ташрифларининг биринчи бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бойсунликлар номидан Ўхжамайхонадан туман марказига қувурлар орқали ичимлик суви олиб келиниши бўйича тақлиф билан чиққандим, — дейди Пулхоким қишлоғида яшовчи, меҳнат фахрийси Хоним Тошбоев. — Бунинг қарангки, биз, тоғли юрт одамларининг сўзи ерда қолмайдиغان бўлди. Дарров амалий ишларга киришилди. Катта меҳнат ва маблағ эвазига қувурлар тортилди, иншоот қурилиши якунига етказилди. Аммо орадан икки йил вақт ўтди ҳамки, кунда-кунора рўй бераётган авария ҳолати ушбу сув тармоғидан самарали фойдаланишга имкон бермаяпти. Бу муаммога дуч келганимиздан буён ҳар қанча аруз дуч қилсак-да, мутасад-

дилар амалий ишга киришмаяпти. Нахотки Президент раҳбарлигида қурилган ушбу иншоот тақдирига қуйи тизимдаги раҳбарлар шунчалик бепарво бўлишса?! Ахир иншоот қурилишига давлатнинг катта маблағи сарф этилган-ку! Аҳолига узуқсиз сув етказиб бериш орқали даромад қилиш имкончилигини эса тизим раҳбарлари нахотки билишмаса?!

Маълумотга кўра, 110 минг нафардан зиёд Бойсун тумани аҳолисининг аксарияти марказдан узоқ ҳудудларда истиқомат қилишади. Табиийки, тумандаги қўлба аҳоли манзилгоҳларига тоза ичимлик суви махсус автомашиналарда етказиб берилаётир. Бу эса одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

— “Ўхжамайхона — Бойсун” суви тармоғининг полиэтилен қувур монтаж қилинган қисмида эксплуатация даврида тез-тез ёрилишлар кузатиляпти, — дейди виллоят “Сувтаъминот” МЧЖ Бойсун тумани бошлиғи Ш. Муртазоев. — Хусусан, суви тармоғининг Хонгаронсой ҳудудидан ўтган қисмида 2019 йилда 5 маротаба ёрилишлар кузатилди. Ушбу авария содир бўлган ҳудудда 281 п/м полиэтилен қувурлар диаметри 500 мм. ҳажмдаги темир қувурларга алмаштирилгач, узилишларга чек қўйилди. Худди шундай виллоятдаги 2010 йилда қурилган намуна йўл-жойлар массивида бир неча қувур ёрилиши натижасида аҳоли хонадонларини суви босган. Айрим жойларда 2-3 ойлаб суви таъминотида узилишлар бўляпти. Авария ҳолатларини бартараф этиш учун қарий 7 км. полиэтилен қувурларни темир қувурлар билан алмаштириш зарурияти бу муаммага ечим бўлиши мумкин.

Бизга маълум қилинишича, Ўхжамайхона булогига ўрнатилган электр токи ишлаб чиқариш қурилмалари ишламаяпти. Мана бу дарёси ҳудудидagi автомабиль кўприғи ёнидан ўтувчи қувурнинг остки қисмига қўйилган устунлар сел ва дарё сувлари ювиши натижасида таъмирга муҳтож. Чинсой ҳудудига қувур ёрилиш тўғрисида қўлбола монтаж қилинган, темир қувур ва устунлар ўрнатиш талаб этилади.

Ўхжамайхона сув булогидан туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш гоёси кўп бора илгари сурилган бўлса-да, унинг ечими ора йўлда қолиб кетаверарди. Бир вақтлар Ўхжамайхона сув манбаини ҳамда дарё сувини яловлаш мақсадида Дарбанд қишлоғида суви омбори қуриш, шу орқали туман марказига обихаёт етказиш режаси ҳам тузилган. Бундай мақсад ва режалар фақат қозғаларда қолиб кетаверган. Президентимизнинг қатъий азму шижоати тўғрисида бойсунликларнинг узоқ кутилган орзуларини ушалди-ю, қурилиш ишларидаги камчиликлар бу амалий ишга соя солиб турибди.

Биз бевосита суви тармоғи асосий манбаи Ўхжамайхона булогига бўлди. Бир неча суви сақлаш иншоотларини кўздан кечирдик. Қўшут массивидаги насос станциясида 200 кублик 2 та суви сақлаш иншооти бунёд этилган. Бу ердан 6 та насос ёрдамида 180 метр бандликдаги суви сақлаш ва тақсимлаш иншоотига суви кўтариб берилади. Газа қишлоғидаги иншоотда 3000 куб ҳажмига эга 2 та, жами 6000 кублик суви сақлаш имконияти яратилган.

Инкабод, Пулхоким, Даштиғоз, Пудина каби қишлоқларда одамлар билан учрашиб, уларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдик. Ўзини пулхокимлик Эшпўлат Холёров деб танитган фуқаро суви тармоғидаги узилишлардан норози бўлиб сўзлади.

— Ростки, қишлоғимизга суви келиши ҳақидаги хушхабардан беҳад шод бўлгандик. Аммо бу қувончимиз саробга айланмоқда. Қишлоғимиз ҳудудида полиэтилен қувурларнинг қурилиш-монтаж ишлари ўта сифатсиз баҳарилган. Наҳақда кунда у ёки бу ерда қувурлар ёрилиши кузатиляпти.

Яна бир гап. Лойиҳачилар ишларига ҳам эътирозим бор. Қаранг, нима учун дарё узоқ масофа орқали паст-баланд тепаликлардан суви тармоғи қурилганга ҳайронман. Қишлоғимизда авваллари, умуман, ичимлик суви оқиб келмасди. Энди суви қувури бору, яна суви йўқ. Алам қиладиган жойи шундаки, ички тармоқни қуриш учун маҳаллий бюджетдан катта маблағ сарфланган. Афсус...

Мавзунинг ўрганиш чоғида бизга маълум бўлишича, мазкур иншоот қурилишига Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиғи буюртмачи бўлган. Шу боис коммунал тармоқ учун бевосита масъул ушбу вазирликка ҳамда унинг виллоят бошқармасига Бойсун тумани ҳокимлиғи томонидан кўп марта расмий хат орқали мурожаатлар йўлланган. Нима учундир ҳозирги кунга қадар вазирлик бу масалага панжа орасидан қараб келмоқда? Эҳтимолики, иншоот лойиҳачиси, ёки қурувчилар ўз камчиликларини тузатишлари, мавжуд муаммоларни бартараф қилишлари талаб этилади.

Президентимиз ҳар гап аҳоли вакиллари билан учрашганда одамлар эртага эмас, балки бугун бахтли, фаровон ҳаёт кечирishi лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Дарҳақиқат, инсоннинг бахтли яшаш истиғи, ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш адолатли ҳақиқатнинг бош мезонидир. Шундай экан, бойсунликларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш масъуллар олдидаги кечиктириб бўлмас вазифадир.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).



Иккинчи ижобий самара операцион харажатларнинг пасайиши ва қараёнлар самарадорлиғи охишида намоён бўлади. Бухгалтерия, солиқ ҳамда кадрлар ҳисобини юритишнинг автоматлаштириш ахборотнинг катта ҳажмини тез ва си-



РАҚАМЛАШТИРИШ ЎСИШ ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

фатли бошқариш имконини яратди. Маълумотларни “Big Data” усули билан қайта ишлаш мақсадли мижозларни муайян мезонлар бўйича ўта аниқ даражада ажратиб олиш (таргетлаш) имкониятларини очиб беради. Бу эса маркетинг тадбирларининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бошқарув қарорларининг сифати ҳам ошади. Раҳбар энди масъул бўлишлар тўғрисидаги ҳисоботларга боғлиқ бўлиб қолмайди, балки тизимни очиб ва умумий маълумотлардан аниқ кўрсаткичларга ўтиш, олинган натижаларни эса дарҳол олдинги давр натижалари билан солиштириши мумкин бўлади. Жараёнларни автоматлаштириш тўғрисидаги прогноз моделлари аниқ аниқ бўлиб боради.

Бундан ташқари, маълумотларнинг тартибга солинганлиги ва шаффоқлиғи тўғрисидаги қорхонанин хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятлари ошиб, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш учун шартли яратилди.

Рақамлаштиришнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Ўзбекистонда давлат ишторикидаги компаниялар иқтисодиётининг аниқлиги улуғлиги эғаллай-

ди. Шунинг учун уларни рақамлаштириш мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЙИМ) ўсишига бевосита таъсир қилади.

Бошқача айтганда, давлат секторининг рақамли трансформацияси Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бири бўла олади.

Мисол учун, “Рақамли Қозғонистон” давлат дастурини қуриб чиқиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, уни амалга оширишдан жами иқтисодий самарадорлик 2018-2019 йилларда 2 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди.

Мана шунинг ўзиёқ ахборот технологиялари (АТ)ни ёппасига жорий қилиш салмоқли далил бўла олади, назаримда.

банклар, телекоммуникация ва суғурта компаниялари бошқаларга қараганда аниқ феопрор рақамли трансформацияга ўтмоқда, чунки уларда даромадлиликнинг муҳим кўрсаткичлари технологияларни муваффақиятли жорий этишга боғлиқ.

Яна айтиш мумкинки, автоматлаштиришнинг аҳамиятини ОКМК ва НКМКда ҳам яхши тушунишди.

Давлат иштирокидаги компаниялар мазкур жараёнда қандай муаммоларга дуч келмоқда?

Трансформация — жуда мураккаб жараён. Тўқсон тўққиз

фоиз ҳолатда компанияларда ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида тушунча бўлмади. “Experta-Suntronix” альяниси Ўзбекистонда 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери комплекс ахборот тизимларини қуриб келмоқда ва жараёнини таркибий қисмларга бўлиши, лойиҳани амалга ошириш режасини тузиши, лойиҳа офисини ташкил этиши мумкин. Лекин бу билан халқаро ҳамда маҳаллий экспортларнинг бутун бир жамоаси шугулланади. Ана энди бугунги кунгача буткул бошқа вазибаларни баҳариб юрган қорхона менежерини тасаввур қилиб қўринг. Албатта, у қўйилган вазибалар қандай ёндашганини тушунамайди.

Мен трансформациялашни аутсорсга — ушбу соҳанинг маънавий муваффақиятига эга бўлган бошқа ташкилотга бериши масъаласида берган бўлар эдим. Чунки маҳаллий бозорда зарурий билимларга эга бўлган олий малакали кадрларни топишнинг деярли имкони йўқ.

Иккинчидан, етказиб бериувчилар билан ишлашда маблағни тежамаслигини, технологиялар тармоғидаги жаҳон етакчилари — “Oracle”, “IBM”, “SAP”нинг ечимларидан фойдаланиши тасвия етаман.

давомида республиканин бarcha туман ва шаҳарларида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, ўзи операторлик вазирасини бажарувчи микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштироки таъминланади. Банкнинг қуйи бўғини ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ҳамда мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизими жорий қилинади. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ҳамда тажриба алмашини ташкилланган.

Банк бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассислар жалб қилинади.

Ўқоридаги тадбирлар натижасида фуқароларга ўз бизнесларини йўлга қўйишнинг барча босқичини қамраб олган ҳолда банк хизмати кўрсатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг узоқ муддат яшовчанлиги таъминланади, миллий иқтисодиётимиз равандада кичик бизнеснинг улуғлиги ошиб боради, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг юқори даромадга эга бўлиши таъминланади.

Ушбу қарор талабига кўра, 2021 йил 1 январга қадар “Микрокредитбанк”нинг аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқарилади. Бу борада ҳам ишлар бошлаб юборилган.

Қисқасини айтганда, “Микрокредитбанк” жамоаси тадбиркорларнинг, хусусан, ишбилармон ёшлар ва хотин-қизларнинг орзу-умидларини рўёга чиқариш йўлида бамойиллик билан ишлайди. Мухими, бунинг натижасида ишсизлик камийиб, рўзгорларга барака қиради, одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқади. Президентимизнинг оқоридаги қарорлари эса бу борадаги ишларимизни янада ривожлантиришда муҳим дастуриалмал бўлиб хизмат қилади.

Ориф БУТАЕВ,
«Микрокредитбанк» АТБ
бошқаруви раиси.

Хизматлар лицензияланган.

Ахборот технологиялари қисқа муддатли маҳсулотлар эмас. Масалан, НКМК учун бизнинг компаниямиз 10 йил режалаштиришга мўлжалланган дастурини тузиб берди. Қўриб турганинигиздек, бир марта жорий этилган тизимлардан узоқ вақт мобайнида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам бошидаёқ сифатини танлаш муҳим.

«Олдинги йил» усули самарасиз

Корхоналар, биринчи навбатда, ишни ресурсларни режалаштириш, жараёнларни оптималлаштириш, маълумотлар алмашиниш, бошқарувнинг шаффоқлиги ва ҳоказолар учун жавоб берадиган ЕРР-тизимларни жорий этиш шаклидаги “базавий автоматлаштириш”дан бошлаш зарур. “Олдинги йил” усули билан (режалаштирилган рақамлар ўтган даврдан шунчаки қўриб олинадиган) режалаштириш ҳамда прогнозлаштириш самарасиздир. Рақамли трансформация компанияга тўғри ва аниқ сценарийлар тузиш учун аниқ воситаларни тақдим этиди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бозорнинг қўлба йирки ҳамда ўрта иштирокчилари бу босқичдан ўтиб бўдилар ва улар ҳозир янада чуқурроқ рақамлаштириш ҳаракатидалар. Бу жиҳатдан Ўзбекистондаги компанияларга аниқ осон ҳамда бир вақтинг ўзида қийинроқ бўлади. Яъни бир тарафдан қўнчиликка ЕРРни эндиғина жорий этишга тўғри келади, бошқа тарафдан улар бошқаларга нисбатан аниқ илгор версияларни танлаш имкониятига эга бўлади. Улар 10 — 15 йил олдинги вариантларга нисбатан рақамли трансформацияни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўпроқ тўғри келади.

Нимага тайёр туриши керак?

Корхоналар, аввало, бошидаёқ фақат маълум вақтдан кейингина ўзини оқлайдиган қайта харажатларга тайёр бўлиш зарур.

Баъзида компаниялар дарҳол самара бўлишини кутади, бунинг эса ҳар доим ҳам илоҳи йўқ. Жараёнлар босқичма-босқич йўлга қўйилди, ҳодимлар янгица ишлашга қўнқида, мижозлар эса жорий этилган маҳсулотлар тўғрисида хабардор бўлади ва улардан фойдалана бошлайди.

Иккинчидан, раҳбарият ҳамда ҳодимларнинг рақамли саводхонлигини ошириш устида ишлашга тўғри келади.

Бу ундовлар ноёб нарсас эмас. Бутун жаҳондаги компаниялар уларга доимий равишда дуч келади.

Дилшоод УЛУҒМУРДОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИгини ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

Халқимиз азалдан рўзгорнинг ободлигини ҳалол меҳнатда, деб билган. Хануз шу фикрда собит яшамокда. Илгари оилада бир қишнинг ишлаши қозон қайнашига, турмуш кечиришига қиёф қилган бўлса, ҳаётимизга турфа янгиликларнинг кириб келиши, замонавий эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши оилавий меҳнат қилиш қўнқимасини шакллантирмоқда.

Ишбилармонлик учун имконият

Уй бекалари ва фарзандлар ҳам оилабоси билан ёнма-ён ишлаб, мамлакат ривожига ҳисса қўлиши баробарида, рўзгор кам-қўшқини бутлаяпти. Халқимизнинг интилиш ҳақида савй-ҳаракатларига монанд давлат ҳам фуқароларнинг бандлигини таъминлаш орқали фаровон турмуш кечиришга қаран яратмоқда.

Бироқ “Холва деган билан оғиз чучимайди”. Давлат имконият қилиб берса-да, фуқаро ундан фойдаланиш малакасига ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли сармомага эга бўлмаса, савй-ҳаракат самарасизлигича қолаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь кун жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини муҳокама қилишда ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, эҳтиёжлардан хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг қўнқимлиги замонавий билим ҳамда хунарларини эгалламаган.

Демак, уларни доимий иш билан таъминлаш учун қасб-хунар ўргатиш, ишбилармонлик учун билим ва маблағ зарурати мавжуд. Йиғилишда бу масаланиннг ҳам ечим қўрсатилди. Хотин-қизлар ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат қасб-хунар таълими марказлари орқали ёшларга аёлларда касбий қўнқималарни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққийт жамғармасидан 100 миллион доллар миждорлиги маблағ йўналтирилиши таъкидланди. Шунинг 10 миллиони ёшлар ҳамда хотин-қизларни қасб-хунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат ол-

ганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. “Ижтимоий шартнома” орқали нодавлат қасб-хунар ўқув курсларини биттиридан ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилади.

Шу ўринда банкимиз томонидан аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини тақомиллаштириш ҳамда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш босқичида олиб борилаётган ишларга қисқача тўхталйи ўтаск.

Маълумот учун давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари ижроси бўйича жорий йилининг ўтган тўққиз ойида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига жами 3 трлн. 572 млрд. сўм кредит ажратилди.

Шундан: — 659,2 млрд. сўми 16 910 нафар ёшнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилди. — 563,2 млрд. сўми эса 18 556 нафар аёл тадбиркор учун ажратилди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурларига асосан, 2020 йилда 1 138 млрд. сўм имтиёзли кредитлар берилиди ҳамда 44 448 та иш ўрни яратилди. Шундан биргина “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратилган 879 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлардан 569 млрд. сўми 28 122 нафар ёш ва хотин-қиз бандлигини таъминлашга йўналтирилди.

Хунармандчилик соҳасида ҳам 4 081 та мижозга ажратилган 126 млрд. сўм имтиёзли кредитларнинг 112 млрд. сўми ёки қарийб 89 фоизи 3 772 нафар аёл ва ёш

тадбиркорга йўналтирилган. Бундан ташқари, “Ёшлар — келажакимиз” Давлат дастури бўйича 928 нафар, Фермер, деҳқон бўйичаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналишларида 443 нафар хотин-қиз ҳамда ёшлар бандлиги таъминланади.

Масалан, Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги “Bonito Group” МЧЖ раҳбари Сайдулло Солиевнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаштириш учун 1,5 млрд. сўм кредит ажратилди. Ҳозир қорхонада 90 та иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг 61 нафари ёшлардир.

Чуст туманидаги “Тепакўрғон” МЙИда фаолият кўрсатувчи “Алекс Пласт Инвест Групп” МЧЖ раҳбари Юсупов Аҳмадхон Хабибхон ўғлининг туҳум флейкаси ишлаб чиқариш фаолияти учун 600 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу қорхонада ҳам 20 та янги ишчи ўрни яратилди, шундан 16 нафари ёшларни ташкил қилади.

Умуман олганда, банкимиз томонидан 2020 йилининг якунига қадар, қўшима равишда ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яна 172 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Мазкур кредитлар самарадорлигига эришиш мақсадида тайёр бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, ўзини ўзи банд қиладиган 67 та йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун керакли молиявий маслаҳатлар бериш тизими банкнинг ҳар бир ҳудудий бўлигиларида жорий қилинмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини таъ-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ўфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Ташрифта келган қўёзмалар тақрир қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайдан.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдлазанади.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.